



Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№17
30 июнь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 17-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
13-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
17-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-13**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
17-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-13**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 17-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 8 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000



АРХИТЕКТУРА ВА ДИЗАЙН ЙЎНАЛИШИ РИВОЖЛАНИШИ

ШАХАР ЙЎЛЛАРИ КЕСИШМАЛАРИ-ШАХАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИ ТУГУНЛАР.

*Урганч Давлат университети
Техника факультети ўқитувчилари
Бойжанов А ва Маткаримов А*

Аннотация: Мустақиллик йилларида республикада автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва аҳолининг кўп қисми ўзимизда ишлаб чиқарилган транспорт воситаларини 1000 кишига бўлган нисбати кўпайиб кетди. Бу ўз навбатида кўча йўл тизими кенгайтириш муаммосини келтириб чиқаради. Шахарларни таъмирлашда кўчаларнинг машина ўтказиш қобилиятини янгидан кўриб чиқиб, кўчанинг машина ўтказиш қобилиятини ҳисоблаган ҳолда лойихаланади.

Калит сўзлар: майдонлар, завод олди, савдо, театр олди, маъмурий бинолар олдидаги, спорт иншоотлари, кўргазма заллари.

1. Шахар шароитида куйидаги турдаги кесишмалар учрайди
-кўча ва йўлларнинг бир-бири билан кесишмаси.
-пиёдалар йўлаклари, релсли ва сув йўллари билан кесишмаси.
-релсли йўлларнинг сув йўллари билан кесишмаси.

Кенг тарқалган кесишма кўча ва йўлларнинг ўзаро бир-бири билан кесишуви бўлиб, бу кесишма натижасида чорраҳалар ва майдонлар ҳосил бўлади.

Шахарнинг архитектура-кампозицион, транспорт, режавий ечимда майдон ва чорраҳалар муҳим ўринни эгаллайди. Архитекторлар тилида уларни шаҳар ташкил қилувчи тугун деб айтилади. Шаҳар майдонлари, шаҳарнинг архитектуравий кўринишини белгиловчи асосий белги ҳисобланади.

2. Асосий майдонлар тадбирлар ва байрамлар ўтказишга, сайр қилишга мўлжалланган. Асосий майдонларни шаҳарнинг маъмурий жамоат маркази таркибида жойлаштириш мақсадга мувофиқ ва транспорт ҳаракати майдоннинг бир томонидан, маъмурий ва жамоат бинолари жойлашган томонидан ҳаракатланади. Жамоат бино ва иншоотлари олдидаги майдонлар, завод олди, савдо, театр олди, маъмурий бинолар олдидаги, спорт иншоотлари, кўргазма заллари, дехкон бозорлари олдидаги майдонлар одамларнинг келиб кетиш учун, йўналишдаги енгил автомобил ва автобуслар тўхташ жойлари лойихаланади. Архитектура ва маданий ёдгорликлар ҳисобланган ва аҳоли томонидан тез-тез келиб туриладиган бино ва иншоотларга келиб кетиши, пиёда ҳаракатда бўлишини таъминлаш керак.

3. Чорраҳа майдонларда транспорт воситаларининг ва пиёдалар ҳаракатининг интенсивлиги натижасида тўпланиб қолиши, ҳаракат давомийлиги бузилишига олиб келади ва натижада ёқилғи кўп харж бўлиши, шовкин, газланишнинг ошиши пиёдалар ва транспорт воситаси эгаларининг вақти бекор кетишига ва йўл транспорт ходисаларига олиб келади.

Чорраҳаларни лойихалашда транспорт воситалари ҳаракати қоидаларини бузилишига йўл қўймаслик, тўхтаб туришини камайтириш, экологик шароитларни яхшилаш асосий масала ҳисобланади. Лойихалашда тўғри ечим қабул қилиш, халқ хўжалиги ривожланиши ва йўл транспорт воситалари ҳаракати асосан транспорт ҳаракати схемаси ва уларда транспорт воситасининг тўғри ҳаракатига боғлиқ.

4. Чорраҳада транспорт ҳаракати вақтида куйидаги ҳаракатлар юзага келади:



- тўғри ҳаракат
- ўнга айланувчи
- чапга айланувчи

бу ҳаракатлар натижасида бир-бирига қарама қарши муаммоли нуқталар ҳосил бўлади.

Чорраҳаларни лойиҳалашда муаммоли нуқталарни камайтиришга ҳаракат қилиш керак.

Шаҳарда йўловчилар ҳаракатининг тезлиги, узлуксизлиги ва хавфсизлиги асосий пиёдалар ҳамда транспорт тугунларини, алоҳида “автомобилсиз” пиёдалар кўчалар ҳамда зоналарини бир-биридан имконият даражасида тўлиқ ажратиш орқали таъминланади. Транспорт воситалари учун ёпиқ бўлган бундай муҳитларнинг шакли (конфигурацияси) ва давомийлиги асосан бу қурилмаларнинг тайинланиш мақсади ҳамда характери, шунингдек, жамоат транспорти бекатларидан қурилмагача бўлган масофа радиусига кўра аниқланади (режавий модулни тахминан 300 м радиусга қабул қилиш мумкин).

Транспортдан транспортга ўтиш тугунларида ва жамоат доимо мавжуд бўладиган объектларда, масалан, вокзалларда, умумсавдо марказларида бу модулни тахминан икки баробар қисқартириш ва аксинча жамоат дам олиш зоналари, кўргазма мажмуалари, стадионлар ҳамда шунга ўхшаш объектларда 1.5-2 марта катталаштириш мақсадга мувофиқ.

Пиёдалар йўлакларини ва зоналарини яратиш, аҳолининг тиғиз ҳаракат мавжуд бўлган шаҳар кўчалари ва йўлларининг пиёдалар томонидан кесиб ўтилишини истисно этмайди. ҚМҚ 2.07.01-94 асосан кенг жамоатчилик ташриф буйирадиган бино ва иншоотлардан жамоат транспорти тўхтайдиган пунктларгача бўлган оралиқ масофа -500м IV климатик туманларда еса -400м дан ошмаслиги керак. Бунда алоҳида турдаги транспорт воситаларининг тўхташ пунктларигача бўлган масофа қуйидаги катталиклардан кўпайиб кетмаслиги керак.

Оддий автобус ва троллейбус учун -600м дан кўп эмас

Тез юрар автобус учун -800м дан кам эмас

Хавфсизлик талабларига кўра трамвайларни бекатлари ўтиш жойларидан аввал (пиёдалар яқинлашаётган транспортни кўриш имкониятига эга бўлишлари учун), троллейбус ав автобусларнинг бекатлари аксинча ўтиш жойларидан сўнг (ҳаракатланиш йўналиши бўйича) жойлаштирилиши керак. Транспортларга чиқиш бекатларидаги оролчаларнинг кенглиги 1.5м дан 3м гача бўлиши мумкин. Транспорт воситаларининг ҳаракатланиш жараёнини секинлаштирмаслик мақсадида автобус ва троллейбус бекатларини очиқ ва ёпиқ хавфсиз оролчалар орасида кўчанинг кенгрок қисмларида жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Бундай бекатларнинг узунлиги бир йўналиш учун 20м, икки-уч йўналиш учун еса 30 - 40м ҳисобида қабул қилиш мумкин.

Юқори тезликдаги автомобил йўллари ва узлуксиз ҳаракат давом этадиган магистрал кўчаларда, транспорт воситаларининг ҳаракати юқори даражада тиғизлиги билан ажралиб турадиган йўллар ва кўчаларда, шунингдек, пиёдалар оммавий ҳолда кўчани кесиб ўтадиган жойларда ер ости ёки ер усти ўтиш жойларини лойиҳалаш зарур бўлади. Сўнгги йилларда туннел- коридорлар билан бир қаторда режада ривожлантирилган ўтиш жойлари, шунингдек, зал типдаги ўтиш жойлари янада кенг тадбиқ этилмоқда. Туннел ўтиш жойларини яратишда зинапоялар билан пиёдаларнинг мажбурий тушиш ва чиқиш баландликларни нисбатан катта бўлмай, одатда 3-3.5м дан ошмайди.

Тоннелларнинг кенглиги кутилаётган пиёдалар оқимининг тиғизлигига боғлиқ. Ўтиш жойининг ҳисобий ўтказувчанлик хусусияти 1м кенглигига тахминан соатига 2000 киши, шунингдек, зинапояларда еса хар соатга 1500 киши тўғри келади. Ер усти жойлари магистралнинг ёки майдоннинг архитектуравий – фазовий композицияга уйғунлик хусусияти билан киритилиши лозим. Пиёдалар ва транспорт воситалари йўллари турли баландликларда, бир – биридан ажратиш заруратидан келиб чиққан ҳолда жамоат мажмуалари аксарият кўп ярусли кўринишда лойиҳаланмоқда. Турли гуруҳ кўриниш ва типдаги жамоат биноларининг шаклланиши, уларга кириш йўллари ва кирадиган аксарият хизмат кўрсатувчи автомобилларни туриш жойлари, гаражларни ташкил этилишига ҳам таъсир



етмоқда. Нисбатан йирик жамоат бинолари ва уларнинг мажмуалардаги автомобилларни сақлаш жойлари ва гаражлар аксарият фазовий структурасининг ва баъзи объектлар архитектуравий композициясининг ажралмас элементи айланиб бормоқда. Аҳолининг ҳисобий сонига нисбатан шаҳардаги автомобилларнинг сонини аниқлаш мумкин (ҚМҚ 2.07.01 – 94).

Хар бир енгил автомобил учун қоидага кўра икки турдаги асосий сақлаш жойлари бўлиб, улар – доимий ва вақтинчалик, яъни автомобилларнинг турли манзилларда вақтинчалик туриши мумкин бўлган ҳамда алоҳида ҳолларда эса мавсумий турар жойлари мавжуд бўлиши керак. Автомобилларнинг ва аҳолининг бошқа мототранспорт воситаларини доимий сақлаш жойлари, бевосита уларнинг эгалари яшайдиган жойлар яқинида, бош тархдаги гаражлар назарда назарда тутилади. Автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойлари эса периодик ва эпизодик ташриф буюрадиган объектлар яқинида, асосан автомобилларни очиқ ҳолда жойлашни назарда тутилади.

Демак катта чорраҳаларда йўлларнинг кесишмалари архитектуравий жихатдан ҳам функционал, ҳам эстетик аҳамиятга эга бўлиб шаҳар чиройли бўлиб ривожланишида катта роль ўйнайди.

TADQIQOT.UZ
ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 17-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ

(13-қисм)

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000